



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 1 июнь, № 112 (7070)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодий эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барча тоифалари учун тенг рақобат шароитларига эга бўлган ягона иқтисодий маконни шакллантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳўқуқлар бериш юзасидан шаклланган амалиёт қуйидагилар каби қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда:

Биринчидан, муайян тармоқ ёки ҳудуддаги алоҳида ташкилотларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳўқуқлар аниқ мезонларсиз ҳамда уларни асословчи шафдоф механизмларсиз танлаб берилиши оқибатида мазкур ташкилотлар учун асоссиз устувор шарт-шароитлар яратилмоқда;

Иккинчидан, қўллаб-қувватлаш ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат бошқаруви функциялари қўшиб амалга оширилмоқда, бу эса бозорда имтиёзли макомга эга бўлиш учун маъмурий ресурслардан фойдаланишга ва инсофли рақобат принциплари бузилишига олиб келмоқда;

Учинчидан, индивидуал имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланувчи ҳўжалик юритувчи субъектларда боқимандалик кайфияти шаклланимоқда, бундай субъектларнинг ташаббускорлиги йўқ ва ишчанлик фаоллиги паст, шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар рақобатбардор эмас;

Тўртинчидан, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини, жумладан, уларнинг муайян тармоқлар, ҳудудлар ва умуман, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолашда тизимлилик мавжуд эмас.

Бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва бизнес юритуш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, фаол тадбиркорлик ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсофли рақобат принциплари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида: соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ ва боғжона имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш тизимини, шунингдек, улардан фойдаланишни мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2017 ЙИЛДАГИ ВА 2018 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИНИ Кўриб чиқдилар

Жорий йилнинг 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилги ҳамда 2018 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдилар.

Тақдим этилган ҳисоботлар қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида, сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик

(Давоми 2-бетда).

Мавсум

Ғўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги

Жорий йилнинг 29 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бугунги кунда ғўза долзарб бўлиб турган масалалар, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ғўза парвариши, ғалла ўрими, такрорий экинлар ва сувдан оқилана фойдаланиш каби муҳим тадбирларни самарали ўтказиш муҳокама этилиб, мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача "Ғўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги" деб эълон қилинди.

Сув ресурслари чекланган минтақамиз тупроқ-иқлим шароитида деҳқончилик тақдир

табиат билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, бу йил баҳорнинг салқин ҳамда қуруқ келиши пах-

та өтиштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқарилмоқда. Чунки ғўза ривожланиши

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида

1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингта яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди.

Уша гоят оғир ва суронли даврда юртимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди, бу ердаги санаот корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилиб, уларнинг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Ўзбекистонга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни тиклашда фуқароларимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.

Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллион нафардан ортиқ киши кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўриб, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандлари қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намойиш этди.

Афсуски, Ўзбекистон халқининг бу қонли уруш даврида фронтда ва фронт ортида кечган оғир ва

машаққатли ҳаёти, фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ўзида ҳар томонлама акс эттирадиган яхлит илмий-тарихий китоб ёки ҳўжалик тартибли шў пайтга қадар яратилмаган. Уруш йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган буюк ишларни, унинг қучли ирода ва қаҳрамонлигини, ўша давр ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялаш борасида бундай манбалар гоят муҳим аҳамиятга эга.

Халқимизнинг 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини тарихий ҳўжатлар асосида кўрсатиш, фашизмга қарши жангларда қатнашган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлодни мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, "Узархив" агентлиги, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини

қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда кенг жамоатчиликнинг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ушбу тарихий воқеанинг 2020 йилда нишонланганидан 75 йиллигига бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифаларини этиб белгилансин: Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи кўрсатган мардлик ва жасорат, эл-юртимизнинг ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида тарихий ҳақиқатни тиклаш ва уни келгуси авлодларга етказиш;

республика ва хорижий мамлакатлардаги архив ва музейларда сақланаётган мавзуга оид тарихий ҳўжатларни тўлаш ва ўрганиш;

Иккинчи жаҳон уруши даврида фронтда қатнашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимиздан уларнинг хоти-

раларини ёзиб олиш, шахсий альбом ва кутубхоналарида сақланаётган тарихий материалларни тўлаш;

аҳолининг шахсий кутубхоналарида сақланаётган, тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳўжатлар, ўша даврга оид нобб суратларни тўлаш ва нашрга тайёрлаш;

уруш йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳоли, юртимизга кўчириб келтирилган ҳамда янги қурилган завод ва фабрикалар ҳақида маълумотлар йиғиш;

халқимиз томонидан уруш даврида Ўзбекистонга эвакуация қилинган инсонларга, шу жумладан, ота-онасиз болаларга кўрсатилган меҳр-муруватни, юртдошларимизнинг инсонпарварлик фазилатларини акс эттириш;

уруш даврида фронтда қатнашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган, ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган юртдошларимизга бугунги кунда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътиборни аниқ далиллар, факт ва рақамлар орқали кўрсатиш.

4. Ташкилий қўмитага китоб-альбомни юқори савияда тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 31 май

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



ОБОД ВАТАННИНГ БАХТИЁР БОЛАЛАРИ

Мамлакатимизда болалар келажагимиз ворислари, миллатимиз давомчилари сифатида эъзозланади. Аслида, ўзбек халқи — азалдан болагон халқ. Халқимиз қайси дин, қайси миллат фарзанди бўлишини қатъий назар, ардоқлайди. Меҳр бериб, бошини силайди.

Биргина мисол: Иккинчи жаҳон уруши пайтида уй-жойи вайрон бўлиб, ота-онасидан етим қолган, яқинларидан ажралган юз минглаб болалар Ўзбекистон бағрида Ватанга, ўзбек хонадонларида ўз уйларига эга бўлган.

"Сен етим эмассан" деб, ўзининг бир бурда нонини ҳам ана шу болалар билан беминнат баҳам кўрган.

Одамларимиз нафақат ўз фарзандининг, балки ҳар бир мураккаб қалб иқболи учун қайғурди. Ҳар сафар дуога қўл очаркан, Яратган-

дан эртаимизнинг таянчи — ёш авлоднинг бахту саодатини сўрайди. Зеро, "Боланинг бегонаси бўлмайди", "Бол ширин, болдан бола ширин", "Фарзанд — бенинг қуввати", "Фарзандинг — давлатинг", "Бир болага етти маҳалла ота-она" каби хикматли сўз ва мақоллар неча асрлардан бўён тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб, яшаб келаётгани бежиз эмас.

(Давоми 4-бетда).

Саша ГРАУМАНН:

«Ўзбекистон халқи фарзанд тарбиясига олижаноблик билан муносабатда бўлиш бўйича буюк маданиятга эга»

Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни беқийс. Шу боис ҳар қандай жажжи қалб эгаси бу муқаддас масканда камолга етишга эҳтиёж сезади. Баркамол оила болага хотиржамлик, барқарорлик ва бахт улашиб, бу туйғулар унинг ўзига ҳамда эртанги кунига янада ишонч бағишлайди.



Эксклюзив интервью

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида муҳбиримиз БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша ГРАУМАНН билан суҳбатлашди.

— ЮНИСЕФ Ўзбекистонга болалар учун энг яхши ҳаёт шароитларини яратишда кўмак берапти. Мамлакатимизда фаолият юритишининг нимаси билан эътиборингизни тортади?

— Ўзбекистон халқи фарзанд тарбиясига олижаноблик билан муносабатда бўлиш бўйича буюк маданиятга эга. Жамиятдаги қадриятлар ичида оила муҳим ўрин тутди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўз оиласига турли миллатга мансуб 14 болани қабул қилган Шоаҳмад Шоаҳмадулов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри Акрамова тарихи Ўзбекистон тирмоли ҳисобланади ҳамда юксак ҳурматга муносибдир. Ушбу оила ёдгорлиги яқинда ўз ўрнига қайтарилиши халқ ўз оилавий қадриятларини нақадар эъзозлашини яна бир бор исботлади.

ЮНИСЕФ эса бунга қўйилади ва қўллаб-қувватлайди. Биз Ўзбекистоннинг оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ота-онасидан айрилган болалар учун оилага яқин шароитлар яратиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил август ойидаги буюқчиси йўқотган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Республикада мазкур фаолиятга ёндашувлар ва шу бўйича механизмлар халқаро стандартларга жавоб беришини кўриш қувонарлидир.

— Мазкур ишлар қандай натижа беради?

— Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаева қайд этиб ўтганидек, Ўзбекистон ҳўкумати барча болалар оилавий шароитларда тарбия олишларини таъминлашга интилоқда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қатта кўмак берилаётган. Ва биз бунга гувоҳимиз. Мамлакатда ота-оналари билан яшаш имкониятига эга бўлмаган болаларнинг оилавий тарбияси учун шароитлар яратишда сезиларли ўсишга эришилган. Муассасаларга жойлаштирилаётган болалар, айниқса, ногиронлиги бор болалар сони камайиб бормоқда.

Яқинда Урганча бордим. У ерда олти фарзандни воёга етказяётган аёл, аҳойиб инсон билан танишиш бахти насиб этди. Бу фарзандини йўқотишдек оғир қайғунин бошдан ўтказган она "SOS Болалар шаҳарчаси"га ишга кириш учун ариза топширган. Унинг тарбияланувчилари турли ёшда, турт нафари қариндошлик ришталари билан боғланмаган, икки нафари эса акасинглидир. Уларнинг меҳмондўст уйига ташриф буюрар эканман, оила аъзолари ўртасидаги эзгу боғлиқлик гувоҳига айландим. Болалар ўзларини уйларидикидек ҳис эътипти. Бу, энг муҳими, аслида. Уларнинг айримлари етимлар, бошқалари ота-оналари томонидан ташлаб кетилган ёки ўз оиласида қолиши хавфли, деб топилган болалар. Энди уларда ришодагидек ҳаёт кечириш имконияти пайдо бўлди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Солиқ ва божхона имтиёзларини фақат аниқ мақсадда бериш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, уларни қўллаш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш, самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга мажбурий қайтариш механизмларини мустахкамлаш назарда тутилмоқда.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра:

Солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар (кейинги ўринларда имтиёзлар деб юритилади) қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилади, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарур;

вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда берилади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан берилади;

имтиёзлар беришга, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатларини тасдиқлашга доир ҳуқуқат ва идоравий қарорларни қабул қилиш таққиланади;

божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар, имтиёзлар бериш тўғрисида қонун ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжати мавжуд бўлган тақдирдагина, имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади, шунингдек, уларнинг комплекс экспертизасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви миллий агентлиги қoшидаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига киритилади;

божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатларининг комплекс экспертизаси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви миллий агентлиги қoшидаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг ижобий хулосаси олинган тақдирда, ташкилот рўйхатда кўрсатилган товарларни белгиланган тартибда импорт қилиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви миллий агентлиги берилган имтиёзларни муддатидан олдин тутатиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонига асослантирилган таққиллар киритиш ҳуқуқига эга.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) имтиёзлар беришни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви миллий агентлигида мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт. Бунда ушбу лойиҳалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви

миллий агентлиги томонидан амалга ошириладиган экспертизаларнинг бошқа турлари бир вақтда ўтказилади;

б) экспертизадан ўтказиш учун таққим этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига сўраётган имтиёзлар бўйича асослантириш ва тегишли ҳисоб-китоблар мажбурий тартибда илова қилинади, уларда лойиҳанинг мақсади, амалга ошириш муддати, киритилаётган инвестиция ва экспорт ҳажми, янгидан ташкил этиладиган ўш ўринлари сони, яратилаётган ёки жорий этилаётган инновацион маҳсулот, технологик янгиликлар, прогрессив илмий изланишларнинг аниқ натижалари, ишлаб чиқариш, ишлар (хизматлар, солиқ тушумлари, имтиёзларнинг ҳисобланган суммаси ва бошқалар) ҳажмининг ўсиши кўрсатилади. Ушбу ҳужжатлар, жумладан, қўйидагиларни: мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, имтиёзлар ва преференцияларнинг алоҳида тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳудудларга таъсири; берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг бюджет ва хамият учун самарадорлигини; уларнинг рақобат муҳитига ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири баҳолаш нуқтаси назардан кўриб чиқилади.

4. Давлат ва ҳўжалик бoshқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви миллий агентлигининг сўровларига қўра, тегишли экспертиза ўтказиш учун зарур маълумотларни таққим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви миллий агентлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хўсуслиқлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда имтиёзларнинг самарадорлигини, имтиёзлар суммасининг қўтилаётган натижаларга ва қабул

қилинган мажбуриятларга мувофиқлигини, берилган имтиёзларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, айрим тармоқ ва минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳамда рақобат муҳитига таъсири даражасини тизимли равишда мониторинг қилиш ва баҳолаш тартибини тасдиқласин.


6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидаги йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган имтиёзларни ҳисобга олиш тизимини жорий этсин; навбатдаги молия йилига мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидagi йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиб бorsин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таққиллар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазირи А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида Лойиҳа бoshқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 31 май

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2017 ЙИЛДАГИ ВА 2018 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИНИ КўРИБ ЧИҚДИЛАР



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ийгилишда таъқидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантирилиши ва иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари таъминланди.

Мажлисда валюта сиёсатини либераллаштириш ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар мақсадли иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни яратиш ҳамда кичик бизнес ва хўсуслиқ тадбиркорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъқидланиб, буларнинг нати-

қўламли ишлар амалга ошириладиганлигини эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 июндаги маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ва давлат мақсадли жамғармалари органларининг ваколатларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини оширишга қаратилган Фармон ва қарорларнинг ижроси натижасида ўтган йилда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари қисми прогнозга нисбатан 104,9 фоиз бажарилган.

Хўсobot даврида Давлат бюджетини ҳаражатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги таъминланиб, Ҳукумат томонидан асосий эътибор бюджет ҳаражатларининг самарадорлигини таъминлаш, ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш, биринчи даражали тўловлар бўйича ҳаражатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш ҳамда бюджетларро муносабатларни янада такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бугун ҳаётга жорий этилаётганлиги, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг белгиланган параметрлар доирасида ижро этилишида асосий омил бўлганлиги қайд этилди.

Чўнончи, ижтимоий ҳаражатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетини ҳаражатларининг 55,2 фоизи миқдорини маблағ сарфланди. Ижтимоий ҳаражатларнинг 58,7 фоизи таълим тизимини сақлаш ва ривожлантиришга ҳамда 26,9 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаси ҳаражатларига сарфланганлиги мамлакатда инсон капиталини ўстиришга ва аҳоли саломатлиги-

ни таъминлашга бўлган эътибордан далолат эканлиги алоҳида таъқидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил биринчи чорағидagi ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш давомида депутатлар Давлат бюджетини даромадларининг шаклланиши ва ҳаражатларининг сарфланиши ҳолатини таҳлил қилдилар.

Таққим этилган ҳисоботлар депутатлар ва сенаторлар томонидан жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш жараёнида Давлат бюджетини маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳали ечимини қўтаётган масалалар борлиги нуқтаси назардан кўриб чиқилиб, жорий йилнинг биринчи чорағида маҳаллий бюджетлар даромадига 874 миллиард сўм қўшимча тушган маблағларни айнан шу масалаларни ҳал этишга йўналтириш мақсадида мувофиқлиги тўғрисидаги таққилли илгарчи сурдилар.

“Фoал тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурини ижро этиш мақсадида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳам жуда катта молиявий маблағлар кўзда тутилгани таъқидланиб, уларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлашга

жиддий эътибор қаратиш лозимлигини ҳам эslатиб ўтилди.

Оқоридигилар билан бир қаторда, депутатлар томонидан ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида жойларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъқидланди.

Муҳомаалар давомида депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, бунинг учун халқ депутатлари тегишли Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурлигини таъқиддилар.

Мажлис яқунликга қўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ҳамда 2018 йил биринчи чорағидagi ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Депутатлар парламент Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Халқаро пресс-клуб XALQARO PRESS KLUB
Жаҳонда аҳоли сонининг кўпайиши ҳозирги суръатда давом этса, 2050 йилда сайёрамиз нуфуси 10 миллиард нафарга етиши мумкин экан.
Мутахасссларнинг айтишича, демографик ўсиш фуқароларининг аксариятини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда яққолроқ сезилдики, бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга янада жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.
Бинобарин, бугунги кунда дунё бўйича салкам 1 миллиард киши тўйиб оватланмасликдан азият чекаётгани мазкур масаланинг нақадар жиддийлигини кўрсатиб турибди.

Тизимли ислохотлар аграр соҳа равнақиди қандай ўзгаришлар ясади?

Халқаро пресс-клубнинг “Аграр соҳа таъқимоти тизимли ислохотлар даврининг устувор вазифалари, янги лойиҳалар ва муаммоларнинг чуқур таҳлили” мавзусида анжуманида ушбу масала диққат-эътиборда бўлди.

Президенти мизнинг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув ҳўжалиги давллат бoshқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони деҳқончиликни тубдан ислох қилиш, соҳани сифат жиҳатидан янгилаш, бебаҳо бойлик бўлган ер, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга кенг йўл очиб бергани қайд этилди. Мазкур ҳужжат ижтисоди тизимини таъқимотида изчил ишлар олиб бoриilib, аграр соҳага бевосита тааллуқли бўлган 20 дан зиёд мустақил идоралар ҳамда ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги неғизда Қишлоқ ҳўжалиги ҳамда Сув ҳўжалиги вазирликлари ташкил қилинди.

Бу каби таркибий ўзгаришлар соҳа равнақиди қандай роль ўйнади?

— Ислохотларнинг янги босқичида аграр соҳанинг ҳар бир тармоғи ўз эгасини топди, — дейди қишлоқ ҳўжалиги вазир Баҳодир Юсуфов. — Оқинчи айтиш керак, илгарки Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамма соҳа билан ишлаган. Оқибатда ҳеч бирда ёқори натижага эришилмади. Энди бундай бўлмайди. Чўнки вазирликнинг зиммасидаги вазифалар аниқ, қолавҳа, тегишли идора ҳамда ташкилотлар ўртасида шаффоф ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Бу еса реал ҳолатдан келиб чиқиб, амалий чора-тадбирлар кўриш, экинларни тўғри жойлаштириш имконини бeraди.

Дарҳақиқат, бу йил унумдорлиги паст, кейинги уч йил давомида 15 центнердан кам ҳосил олинган қарий 100 минг гектар пахта майдонлари ўринга савзавот, дуққақли, полли, озуқа ва мойли экинлар жойлаштирилди. Шунингдек, интенсив боғ, тоқзорлар ҳамда

иссиқхоналар бунёд этилди. Бундан ташқари, ғалладан бўйабдиган 680 минг гектар майдонга ҳам озиқ-овқат экинлари экилиши белгиланган. Бу еса сув таққиллиги сезилаётган жорий мавсумда обиҳаётнинг ҳар қатрасидан тежаб-теғаб фойдаланиш, сурғиша тажмакор усулларни қўллашни тақозо этади.

— Бугун сувга бўлган талаб ҳам, соҳага эътибор ҳам бошқа, — дейди сув ҳўжалиги вазири Шавкат Хамроев, — Бунинг Давлат бюджетидан катта маблағ ажратилиб, сурғиш тармоқлари, насос станциялари модернизация қилинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Биласиз, мамлакатимиз сув ресурсларининг 85 фоизи қўшни давлатларда шаклланади. Бирок Юртбошимиз томонидан қўшилган билан дўстона алоқалар йўлга қўйилгани туфайли керакли миқдорда сув олинати.

Республикамизда сел сувларини тўлаб, деҳқончиликда фойдаланиш мақсадида 20 га яқин сел сув омборлари бунёд этилиши кўзда тутилган. Бу нафақат талафотларнинг олдини олиш, балки сув таққиллигини юмшатишда ҳам қўл келади. Тошкент давлат аграр университети ректори Ботиржон Сулаймановнинг айтишича, қишлоқ ҳўжалигини барқарор қилиш мақсадида мазкур олий ўқу юрти ҳам ислох этилмоқда. Эҳтиёт бўлмаган 10 дан ортиқ йўналишлар бўйича мутахассслар тайёрлаш бутуқл туғатилиб, агрологистика, агробизнес, ўсимлик карантини, иссиқхоналар ташкил қилиш ва юритиш сингари саққизта янги йўналиш очилгани диққатга сазовор.

Тадбирда қишлоқ ҳўжалигида охириги 1,5 йил ичида ўзлаштирилган янги тармоқлар истиқболли, эътибордан четда қолаётган зироатчилик турлари, уруғчилик, маҳсулот экспортини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ғўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шундай экан, бугунги масъулиятли паллада механизаторлар деҳқоннинг ёнида туриши, тупроқ етилиши билан қатор ораларига культиваторни кечиктирмасдан киритиши жоиз. Ана шунда ўсимликнинг озиқланиш тизими яхшиланади, ёш нўхталарнинг илдиз чирши ва гомоз касалликлари билан зарарланишининг олди олинади. Энг муҳими, таралган сувнинг 50 фоизгача беҳуда исроф бўлиши бартафав этилади.

Ғўза ўсув даврида ўғитланса, озуқа моддалар билан етарли даражада таъминланиб, унга мадор бағишлайди. Минерал ўғитни нўхталар яхши ўзлаштириши учун озиқ моддалар илдиз ўсиш қатламига яқин солиниши зарур. Мазкур агротадбирни ривожланишдан орқанда қолаётган ғўзаларда қўллаш чоғида органик ҳамда минерал ўғитлар аралашмаларидан фойдаланилса, янада яхши самара бoриib, унинг ривожини тезлаштиради.

Таҷрибадан маълумки, ҳосил таққиди ҳал бўладиган айни шу кўнларда ғўза майдонларининг ҳар гектарига 250 — 300 килограмдан 2 марта маҳаллий ўғит берилса, тупроқдаги мавжуд микроорганизмлар фаолияти жадаллашиб, минерал ўғитлар самарадорлиги 50 фоизгача ошади. Нўхталарни маҳаллий ўғитлар тарқибидagi макро ва микроэлементлар билан қўшимча озиқлантириш имконияти ортади. Сурғиланган кейин еса тупроқдаги намнинг буғланишини 50 фоиз, тўпланган ҳосилнинг тўқилишини 25 — 30 фоиз камайтираб, ҳосил салмоғини 20 — 25 фоиз оширади. Ғўзалар шоналаш ҳамда гуллаш даврларида гектарига 500 — 700 килограмм куруқ маҳаллий ўғит азотли ўғитлар билан бирга берилса, пахта ҳосилини гектарига 2 центнер оширади.

Бу йилги экстремал шароитда экиннинг яхши ўсиб, баравар ривожланишини истаган фермер ғўзани қўшимча равишда баргидан озиқлантиришни эътибордан қочирмаслиги зарур. Сувспензия сепши меъёрлари нўхталарнинг ривожланиш даражасига, барг

сатқи юзасига, қўчат қалинлигига ва қолавҳа, илдиз орқали қўлланилган ўғит меъёрларига қараб белгиланади. Мазкур юмушни эрталаб ҳамда кечкурун ҳаво ҳарорати 20 — 25 даражадан ошмаган пайтда бажариш тавсия қилинади.

Ғўзалар шонага киргач, азотли ва калийли, гулга кира бошлаганда еса азотли ҳамда фосфорли ўғитлар бoрилиши лозим. Озиқлантиришнинг охириги муддати ғўза гуллай бошлашининг 10-кўнига тўғри келиши айни мўддаодир. Бундан кечикса, экиннинг ривожланиш даври чўзилиб кетишига олиб келади.

Жорий йилдаги сув таққиллиги шароитида агротехника тадбирлари орасида ғўзани сурғириш технологиясига алоҳида ёндашиш талаб этилади. Ҳар бир майдон учун сурғириш муддатлари ва меъёрлари ҳудуднинг сув билан таъминланганлиги, тупроқ ҳўсуслиятлари ҳамда сизот сувлари чуқурлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши ўта муҳими. Ана шундагина ғўзанинг бир меъёрда ўсишига, эртаги, мўл ва

сифатли ҳосил тўпланишига мустаҳкам пойдевор қўйилади.

Эғталар узунлигини қисқартириш сўвдан тежамли фойдаланишининг оқилона йўлларидан биридир. Шўни ҳисобга олиб, сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ҳамда ёнғил қўмоқ тупроқларда ғўза қатор оралари 60 сантиметр бўлганда, эғталар узунлиги 60 — 70 метрдан, сувни султ шимадиган, оғир тупроқли ерларда 80 — 90 метр, қатор оралари 90 сантиметр бўлган пайқалларда еса тегишли равишда 80 — 90 ва 90 — 100 метрдан ошмаслиги керак.

Шу билан бирга, бу йилги шароитда ғўзани кўчма эгилувчан қўвурлар ёрдамида сурғириш технологиясини кенг қўллаш тавсия қилинади. Бу усул таъқиб этилганда, сув эғатининг 75 фоизига етгач, икки баравар камайтиради, эғат охирига борганда еса яна икки баравар камайтиради, тадбирни ўзгарувчан оқимда доимий жилдиратиб бажарган маъқул. Зотан, сўвдан тежаб-теғаб фойдаланиш, мазкур нозик агротехника тадбирини сифатли ўтказиш юқори ҳосил олиш гаровидир.

Ўзбекистоннинг сув ҳўжалиги фахрийлари сифатида биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Қишлоқ ва сув ҳўжалигида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони йўта муҳим ҳужжат, деб қабул қилдик. У билан Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Сув ҳўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Сув ҳўжалиги вазирлигига асос солиниши, моҳиятан қайта тикланиши обихаётнинг замонавий дунё ва келгуси тараққиётдаги беқиёс ролини чуқур англашдан келиб чиқади. Бундай англаш нафақат давлат раҳбари, балки Тошкент қишлоқ ҳўжалиги ирригацияси ва мелиорацияси муҳандислари институтида таҳсил олган мутахассисга хосдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ўзининг чуқур илдиларига ва хал қилувчи аҳамиятга эга ушбу соҳанинг аввалги ўрни ҳамда мавқеи тикланганлигини сув ҳўжалиги мутахассислари чин дилдан олқишлашмоқда. Ахир, барчамиз жонажон юрти-мизнинг сув билан боғлиқ буюк тарихига гувоҳимиз. Бу тарих бир ярим минг йил илгари бунёд этилиб, ҳанузгача одамларга хизмат қилиб келаётган Дарғом канали, яна Эски Ангар, Шовот, Зах, Эски Туятортар сингари қадимий каналларда акс этиб турибди. Сўнги канал номига эътибор беринг. У ирригатор бобо-

Республикада ишлаб чиқарилган, тор траншеяли ва траншеясиз дреноукладчиклар ёрдамида ер ости ёпиқ дренаж (ернинг захини қочиршига мўлжалланган зовурлар), шунингдек, вертикал дренаж системаси билан жиҳозланган иншоотлар қурилади. Ўзбекистонда биринчи марта комбинацияланган дренаж тизимлари ўзлаштирилди ва жорий этилди.

Бундай илгор технологиялар сув ҳўжалиги тизимларидан фойдаланишда янги ёндашувларни талаб қилди. Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарлари С. Мамарасулов,

лашларидан олиб борган тадқиқотлар асосида жадал ривожланган мелиорация фани тараққиёти билан ҳамохан давом этган.

МУСТАҚИЛЛИК эълон қилинган, Ўзбекистон ўз қўшинлари — Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш бўйича стратегик дастур билан чиқди. Собиқ Иттифоқ парчалангани аниқ бўлгандан кейин, трансчегаравий дарёларга айланган Амударё ва Сирдарёни ҳамкорликда бошқариш ташкил этиш тўғрисидаги

Юзага келган вазият мавсумий сув омборлари қуриш учун катта миқдордаги капитал қўйилмаларни ҳамда реконструкция ишларининг, асосан, хорижий қарзлар ҳисобига бажарилишини талаб қилди. Натижада обихаётни насос станциялари ёрдамида кўтариб беришдек қимматга тушувчи тадбирлар зарурати пайдо бўлди. Агар илгари суғориш ва коллектор-дренаж каналларидан иборат улкан тармоққа тўлиқ техник хизмат кўрсатилган бўлса, энди фақатгина магистраллардаги таъмирлаш ишлари билан чекланиб қолинди.

НАТИЖАДА авваллари Ўзбекистон ирригацияси фахрланган ҳамма нарса — қувурлар ва лотоклардаги янги конструкциялар, горизонтал ва вертикал ёпиқ дренаж — Сув ҳўжалиги вазирлиги тугатилиши оқибатида ёмон ишлайдиган тизимга айланиб қолди. Ёпиқ дренажни тозалаш ва профилактика қилиш ишларининг ҳажми бир неча мартага камайди, яъни йилига 3,5 минг километрдан фақат бир минг километргача қисқарди. Лотокларни алмаштириш ва таъмирлаш борасида ҳам натижалар ёмонлашди. Улардан фойдаланиш тизимининг ўзгариши сув ҳўжалиги органларининг фаолиятини қийинлаштир-

дренаж ва ер ости сувларидан иборат барча захирани ишга солишни кўзда тутадиган саъй-ҳаракатларни ўз ичига олади. Бугунги кунда ана шу сувларнинг фойдаланилмаётган захиралари 12 миллиард кубометрдан зиёдни ташкил этмоқда. Сув ва ер захираларидан самарали фойдаланиш учун тахлийли тузилмани ривожлантириш фойдадан холи эмас, токи соҳадаги мавжуд аҳоли қуқур ўрганилиб, уни ўнлаш чора-ларни ишлаб чиқилса ва бу чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур капитал маблағлар йўналтирилса. Ушбу тузилма ҳам республика ҳукумати, ҳам донорлар томонидан, энг асосийси, маҳаллий ҳокимликлар ва тармоқ мутахассислари томонидан ҳам қўллаб-қувватланса. Сув ҳўжалиги органларининг мустақиллигини ошириш, аввало, туман бўғинларининг, уларда меҳнат қилаётган гидротехниклар, гидрометрлар ва малакали миробларнинг фаолиятини кучайтиришни тақозо этади. Бунинг учун ҳисобдорлик ва назорат ҳамда ишонч механизмлари ишлаб чиқилиши лозим бўлади. Аяниқса, ҳисоб-китоб устувор аҳамият касб этади, чунки сув захираларини бошқариш учун аниқ маълумотга эга бўлиш жуда муҳим. Обихаётни ҳисобга олмаб сарфлаш-вериб тармоқда йўқотилаётган

зади, лекин сув билан бир қаторда, улар томонидан ушбу давлат функцияларининг бажарилишини қўллаб-қувватлади. Фикримизча, Сув истеъмолчилари уюшмалари тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилиши керак. Унда ана шу ўзаро мажбуриятлар, шу жумладан, истеъмолчилардан (яъни томорқа эгаларидан ҳам) хизмат учун тўловларни йиғиш ҳуқуқи, сув ўлچагичлар ўрнатиш шартлари каби масалалар кўрсатиб берилади. Сув ҳўжалиги вазирлиги, шунингдек, СИУ учун мутахассисларни тайёрлаб бериш вазифасини бажаради. Суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини оширишда фермерлар учун маслаҳат хизмати муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса экинларни етиштиришда технология тартибга аниқ риоя қилиш ва уларни суғоришда сувни кам сарфлаш ҳисобидан кўпроқ маҳсулот олишга имкон яратди. Вилоятлар ва туманлар бўйича сув сарфи кўрсаткичларида катта фарқ борлигини айтиб ўтиш жоиз. Алоҳида жойларда умум-республика кўрсаткичларидан анча кўп ё анча кам сув сарфланади. Демак, вилоятлар ўртасида бу борада тажриба алмашишнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Сув ҳўжалиги санаяти, яъни лотоклар, ёпиқ усулда ётқизиладиган қувурлар, каналлар четига терилдиган қоплама материаллар, полиэтилендан тайёрланган дренаж қувурлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қайта тиклаш соҳасида катта ишлар кутиб турибди. Таъмирлаш-фойдаланиш ишларини санаяти усулида олиб бориш тизимига қайтиш ҳам долзарб. Бу, аяниқса, коллектор-дренаж тармоғини шўрланиш ва лойқаланишдан сақлаш мақсадида профилактика олиб бориш, лотоклар ва қувурларни таъмирлаш, сув ўлچагичлар ва бошқа асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тегишли. Насос станцияларидан фойдаланиш тизими ҳам қайта қўриб чиқилиши керак, чунки бу ерда автоматлаштириш, сув ва электр энергияси сарфини камайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Умуман, Ўзбекистон автоматика воситаларини, магистрал ва давлатлараро сув тармоқларида SCADA (автоматик назорат ва доимий кузатув) тизимини жорий этишда биринчилардан бўлган эди. Аяни вақтда бу ишлар бир оз тўхтаб қолди. Аслида, айнан ана шу омил сув истеъмолчилари ўртасидаги шаффофлик ва ишончнинг орттириш, самарасиз йўқотишларни камайтиришга хизмат қилади.

ОБИХАЁТ — ЎТМИШИМИЗ, БУГУНИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ

ларимизнинг санъатидан дарак беради. Ҳали геодезия асбоблари кашф этилмаган узоқ ўтмишда аждодларимиз сув йўлини аниқлаш учун туяларга қор ортиб, қўйиб юборишган ва канални карвон изи бўйлаб қазишган экан.

Улкамизда XX аср бошларида сув ҳўжалиги ҳамда мелиорация фанларига асос солинган. Уша вақтларда Ўзбекистон ҳудудига жойлашган илмий ва ўқув муассасалари, тажриба станциялари ҳамда иншоотлар негизида А. Костяков, Г. Ризенкампов, В. Журинов, А. Аскоченский, В. Пославский, В. Малигин, Б. Коржавин, Е. Замарин, С. Алтунин, Р. Алимов, А. Мухамедов, Х. Ахмедов, Я. Якубов, Х. Исмагилов, Н. Янишевский, Д. Кац, Л. Дунин-Барковский, А. Рачинский ва бошқа кўплаб машҳур олимлар ушбу йўналишда касбий билимларнинг асосини шакллантирганлар.

Халқимизга хос ажойиб аъёна — ҳашар Фарғона водийсида вужудга келганини ҳамма билади. Айнан шу усул билан бор-йўғи тўрт ой ичида ўша давр учун гигант қурилиш ҳисобланган Катта Фарғона канали ва унинг барча иншооти бунёд этилган. Урушдан аввалги уч йил давомида ҳашар ўлкамиз бўйлаб кенг тарқалган ва кўп жойда барча муҳандислик иншоотларига эга суғориш тизимлари яратилган.

Урушдан кейинги йиллар эса бошқача ёндашув билан ажралиб турди. Юқори технологияли қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланишга мўлжалланган, катта ўлчамли суғориладиган ерларда янги суғориш тизими қўлланила бошланди.

Соҳа ривожига навбатдаги босқич Мирзачўлдан бошланиб, сўнг Жиззах, Қарши, Сурхон — Шеробод қўлларига, Қорақалпоғистонга ва Сирдарё вилоятларига тарқалган, комплекс равишда олиб борилган йирик чўл ўзлаштириш ишларини ўз ичига олди. Бунда суғориш, мелиорация, инфратузилма объектлари ва коммуникация тармоқларини қуриш, ернинг ҳолатини талаб даражасига-гача ахшиллаш каби тадбирларнинг барчаси битта ташкилот томонидан, режалар асосида бажарилган. Ана шу ноёб, кенг қўламли ёндашув ўша даврда Ўзбекистонни бошқарган, сув ҳўжалигининг моҳир ташкилотчиси Шароф Рашидович Рашидов номи билан боғлиқ.


Ўтган асрнинг 60 — 80-йилларида Ўзбекистоннинг сув ҳўжалиги қурилиш ишларининг ҳажми бўйича ҳам, техник тараққиёт даражаси бўйича ҳам мамлакатнинг етакчи тармоғига айланди. Иккита энг қудратли ташкилот — Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда "Главсредазирсовхозстрой" нафақат иш ҳажми ва қуриб битказилган объектларни фойдаланишга топшириш, балки мелиорация соҳасига янги техникани жорий этиш ишларида мусобақалашди. Ўзбекистонда қувурлар, темир-бетон лотоклар, полимер ва аралаш материалли қопламалардан фойдаланган ҳолда, йирик каналлар тизими барпо этилди. Натижада ўша йиллари қурилган каналларнинг фойдали иш кўрсаткичлари анча оқибат бўлиб, аввалги кўрсаткич — 0,64 фойздан 0,75 фойзгача кўтарилди. Суғориш ишларидаги янгиликлар билан бир қаторда мелиорация тизими ҳам ривожланди.

мутахассислар Е. Озерский ва Н. Хамроев ушбу тизимлардан фойдаланиш жараёнини санаяти асосида ўтказишнинг асосчилари бўлишди. Бунда таъмирлаш-фойдаланиш ишлари иншоотлар, зовурлар, қудуқлар ва каналларни профилактикадан ўтказиш жадвалига кўра бажариладиган бўлди, ўз навбатида, сув ҳўжалиги таъмир индустрияси кучли ривожланишига хизмат қилди.

СУВ ҲЎЖАЛИГИ ва ерлар мелиорацияси бўйича янги услублар биринчи бўлиб бизнинг республикамизда жорий этилди, бу эса собиқ Иттифоқ ҳукумати ҳамда Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан умумиттифоқ миқёсида ва ҳатто хорижий давлатларда тажрибани ёйишга бағишланган тадбирларда фойдаланилди. Айнан шунинг учун 1975 йили Москвада Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия (ИДХК)нинг 9-чи конгресси ўтказилгандан сўнг, 60 мамлакатдан келган унинг қатнашчилари Ўзбекистонга ташриф буюриб, республикамизда амалга оширилган сув ҳўжалиги ва мелиорация ишлари билан танишишди. ИДХКнинг Африка — Осиё биринчи

мурожаат ҳукумат ташаббуси билан минтақадаги барча сув ҳўжалиги идораларига юборилди. Сўнгра 1991 йилнинг октябрида Тошкент суғориш йиғилиши ўтказилди. 1992 йилнинг бошида эса лойиҳаси Ўзбекистон томонидан тайёрланган "Давлатлараро сув захиралари манбаларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни биргаликда бошқариш борасидаги ҳамкорлик тўғрисида"ги келишув имзоланди. Айнан Ўзбекистон гоёси асосида Марказий Осиё давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссияси (ДМСК) деб номланган, ҳамкорликни кўзда тутувчи ташкилот юзага келди. Ўтган йили у ўз фаолиятининг 25 йиллигини нишонлади.

Афсуски, давлатлараро муносабатлардаги оқилона қадамлар сув ҳўжалиги ва суғориш соҳасида ички давлат бошқарувидаги кескин пасайиш билан бирга кечди. Бунга сабаб 1996 йили Сув ҳўжалиги вазирлиги тугатилиб, у Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан бирлаштирилиши эди. Ушбу қарордан кейин сув ҳўжалиги соҳасида парчаланиб бошланди. Вазирлик катта иш ҳажмларини йўқотди, уни молиялаштириш ва ходимлар сони



ди, бунинг устига туман даражасидаги ташкилотларда штатлар жадвали бўйича ходимлар сони камайтирилди. Кўпгина ҳўжаликлараро каналлар эгасиз ариқларга айланиб қолди. Бундай вазият Сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) деб номланган, фермерларнинг ихтиёрий равишда кооперациялашуви шаклига заруратни кун тартибига чиқарди. Бироқ афсуски, уларнинг ҳуқуқи ва ташкилий мақоми билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳал этилмади қолди. Ушбу муаммолар СИУни тармоқдан тўғри фойдаланиш ва уни яхшилашга қодир бўлмаган, шунчаки заиф истеъмолчиларга айлантириб қўйди. Бундай шароит 2000-2001 йиллардаги қўрқоқчилик оқибатида тармоқнинг ишдан чиқишини юзага келтирди. Сув ҳўжалиги ташкилотлари ўрта ҳисобда 30 фойзгача камайиб кетган обихаёт ҳажмининг тенг тақсимлашни таъминлай олмадилар. Бу эса ўша йилларда Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда 350 минг гектар ернинг суғориладиган ерлар рўйхатидан чиқарилишига сабаб бўлди. 2017 йилга келиб, улардан юз минг гектарга яқинининга қайта тиклашга эришилди, холос.

Янги Сув ҳўжалиги вазирлигига ўтган 20 йиллик даврдан мерос сифатида ўта мураккаб муаммолар мажмуи теги. Улар магистрал ва ҳўжаликлараро канал ҳамда иншоотларни бошқаришнинг беқарорлиги, суғориш ва дренаж тизимларининг техник даражаси пасайиб кетиши, собиқ ички тармоқнинг ачинарли ҳолатга тушиб қолганига намоян бўлди. Ана шундай шароитда имконият очиб берувчи ягона ижобий омил, бу — Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги чинчи ва ташқи сиёсати, минтақанинг сув захираларидан оқилона фойдаланиш устида биргаликда ишлашга интилишидир.

МУТАХАССИСЛАР фикрича, 2018 йилда сув танқислиги рўй бериши кутилмоқда. Шу боис қучайиб бораётган сув инкирозини енгиш учун минтақанинг барча мамлакатлари бир ёқадан бош чиқаришни жуда муҳим. Мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, кенг қўламли сув стратегиясини ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ бўларди. У 2035 йилгача бўлган давр учун обихаётни тежаш, шунингдек, оқова, коллектор-

ҳажм кўрсаткичларини ва фойдали иш кўрсаткичларини бузиб кўрсатади. Шу боис ҳозир ҳамма жойда бу кўрсаткичларни инвентаризация қилишни аниқ вақти. Негаки, кўпгина вилоятларда ҳанузгача эскирган ва бугунги реаликка тўғри келмайдиган маълумотлар сақланиб келяпти. Суғоришнинг меъёр ва жадвалларини қайта қўриб чиқиш пайти келди. Ахир шу кунгача амал қилиб келаётган қондалар 1980 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, уларда ҳар бир гектарга сарфланадиган сувнинг миқдори жуда оширилган. "Фарғона вилоятида сув захираларини интеграциялашган усулда бошқариш" деб номланган лойиҳа доирасида нормативлар аниқлаштирилди, бу ҳозирги шароитда сув сарфини 20 фойзгача қисқартириш имконини беради. Лекин нимгадир мазкур усул жорий этилгандан кейин беш йил ўтгач, ишлар тўхтаб қолди. Аслида, бу катта маблағ талаб қилмайдиган, сувдан оқилона фойдаланишга қаратилган энг самарали тадбир бўлиб, жамоатчилик иштирокига ва сув истеъмолчиларининг ташаббускорлигига асосланган.

МЕЛИОРАЦИЯ тизими — барқарор деҳқончиликнинг асоси. Уни вена қон томирларига ўхшатиш ўринли, чунки тузлар ва ортхика сувларни хайдайди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг таркибиде кўп йиллар давомида гидрогеологик-мелиорация экспедициялари мавжуд бўлган эса-да, уларнинг фаолияти бутун сув ҳўжалиги комплекси иши билан тўлиқ равишда боғлиқ бўлмаган. Сирасини айтганда, айнан ушлар ер ости сувларининг ҳолати ва ерлар шўрланиши бўйича олиб борилдиган кузатувлар натижасига қараб, дренажни давом эттириш ва ривожлантириш ишларини режалаштирадilar. Бунинг учун кузатув тармоғи ўта аниқликда, мукамал асбоб-ускуналар ва масофавий ўлчов усулларидан фойдаланган ҳолда ишлаши керак бўлади.

Сувни истеъмолчига талаб қилинган ҳажмда ва керакли пайтда етказиб бериш Сув истеъмолчилари уюшмаларига муносабатни ўзгариштириш тақозо этади. Аммо бунинг учун Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон ҳўжаликлар ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорлик лозим. Яна парламент билан ҳамкорлик зарур, чунки СИУ билан давлат-хусусий шериклики йўлга қўйиш — давр талаби. Бунда давлат умумхалқ мулки бўлган обихаётдан оқилона фойдаланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қисман уюшмаларга ўтка-

Ф ИКРИМИЗЧА, сувдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмининг жорий этиш вақти келди. Бунда тўлов миқдори олинган сув ҳажмига қараб белгиланади, муҳими — ортқича сарф учун тариф ортиб боради, тежаб қолинган обихаёт учун эса имтиёз ва муқофотлар кўзда тутилади. Фақат сувдан тўлов эвазига фойдаланишга ўтишигина вазиятни тўғрилашга ёрдам беради. Лекин марказлашган сув узатишни базавий молиялаштириш тартиби сақланиб қолиши керак, сув таъминотида кетадиган харажатларнинг бир қисми эса тўлов тарифларини асослаш учун хизмат қилади.

Табийки, сув ҳўжалиги иншоотларидан фойдаланишга қаратилган бу тизимда юқори малакали, шунингдек, муҳандислик, ташкилий, иқтисодий ва экологик таҳлил, ахборот технологиялари, шу жумладан, географик ахборот тизими (ГАС) ва масофавий асбоб-ускуналар каби йўналишларда замонавий усулларни эгаллаган мутахассисларга талаб катта. Давлати-ми раҳбари Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ёш мутахассисларни ўқитиш тизимини кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Энди абитуриентлар сонини кўпайтириш керак. Яна мутахассисларнинг малакасини ошириш, соҳада ишлаб турган ходимларнинг ҳар йили камида бешдан бир қисмини қайта тайёрлаш лозим. Аяни вақтда бир йилда ўртача минг нафар ходим қайта тайёрлашдан ўтапти, бугунги кунгача 2 200 нафарни ўқитилди.

Янги ташкил этилган вазирлик илм-фан билан бирга ишлашга, яъни илм-фанга вазифа бериш, уни тинглаш ва унга ёрдам беришга ўрганиши керак. Ҳукуматимиз илмий ташкилотлар, хусусан, бутун дунёда нуфузга эга бўлган ДМСК Илмий-техникии марказини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имконият топишига умид қиламиз.

Сув ҳўжалиги ва мелиорация ҳақида тараққиёт байроқдори бўлган. Соҳанинг нуфузи қайта тикланиши лозим. Мелиорация кунин таъси этилиши ҳам шу олимпиад касбнинг аҳамияти орттиришига хизмат қилган бўлар эди.

Агар илгор тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, республикамизда яна 2-2,5 миллион гектар ерни фақат ўз захираларимиз ҳисобидан суғориш, иккинчи ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарлардан қўрқмаслик учун имкониятлар пайдо бўлади.

Исмоил Жўрабеков, Виктор Духовний, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригаторлар.

Саша ГРАУМАНН:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ФАРЗАНДА ТАРБИЯСИГА ОЛИЖАНОБЛИК БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШ БЎЙИЧА БУЮК МАДАНИЯТГА ЭГА»

(Давоми. Бошланғичи 1-бета).

Ушбу хонадоннинг эшиклари доим очик. Уғил болалар дўстлари билан футбол ўйнашни яхши кўришади. Болалар маҳаллий мактабга боради. Ойлага эса иккимойи ходим кўмак бермоқда. Атрофдагиларнинг кўпчилиги булар афғон олинган болалар эканлигини ҳатто билмайди ҳам. Улар ўз қалб жараҳатларини қайта бошидан ўтказишни умуман исташмайди.

қўлаб-қувватлаши йўқлиги сабаб келиб қолади. Аслида мактаб-интернатлари, Меҳрибонлик ва Муруват ўйларидан тарбия топадиган болалар ҳамхўрликлар оғушида бўлса-да, тўлақонли болаликдан баҳра оломайди. Бинобарин, оилани ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Бу каби муассасалардаги болалар бошқа инсонлар билан ҳис-туйғу ила боғлиқ ришталарга кам лаёқатли бўлиши, жисмоний жиҳатдан ёмон ривожланиши ва

учун қандай хизматлар тақдим этилаётгани, болалар давлат муассасаларига тушмаслиги учун нималар қилиш кераклигини ўрганилмиш. 2017 йилда Ўзбекистон Миллий университетида иккимойи ишга ихтисослаштирилган кафедрга асос солинди. ЮНИСЕФ ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчилар салоҳиятини ошириш воситасида мазкур ташаббусни қўлаб-қувватлади.

Бугун эса эътибор қаратиш лозим бўлган уч жиҳат бор. Биринчидан, ЮНИСЕФ болалар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган болалар, гарчи улар иккимойи-иктисодий кўмакка муҳтож вазиятда бўлса ҳам, интернет муассасаларига жойлаштирилмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Агар бу зарур бўлганда ҳам, болалар оила типидидаги шароитда, кичик гуруҳларда профессионал ҳамхўрликдан баҳраманд бўлган ҳолда яшатиш керак.

Иккинчидан, ногиронлиги бор фарзандлар яшайдиган оилалар, хусусан, маҳалла даражасида болалар муассасаларга жойлаштирилмаслиги учун қўлаб-қувватлашни лозим. Шу муносабат билан ЮНИСЕФ Ногиронлиги бўлган шахсларни қўлаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафедраларини қўлайиштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга оширишда Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан мамнундир.

Учинчидан, қўлаб-қувватлаш болаларни оилалардан айрилишининг олдинда олишда иккимойи ҳодимлар асосий роль ўйнайди. Бу тажриба Ўзбекистон учун ҳам фойдалидир. Иккимойи ҳодимлар кўмакка муҳтож оилалар эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш бўйича муҳим масъулиятни ўз зиммаларига олишлари мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни — бу болаларнинг ҳаёти, саломатлиги ва келажак учун жамоабор ақалигимизни барчамизга аслойтиб туради. Зотан, биз барча болалар бахтли бўлиб овоз бергани, ўқийди, ўзлари суйган иш билан машғул бўлиши ва келажакда ажаойиб ота-оналар ҳамда ўз Ватани фуқароларига айланишини истаймиз.

«Халқ сўзи» мухбири Омонулло ФАЙЗИЕВ сўхбатлашди.



Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ОБОД ВАТАННИНГ БАХТИЁР БОЛАЛАРИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бета).

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликларини қамқолаётган, манфаатлари муҳофаза қилинган. Ўзбекистон бола ҳуқуқлари оид бешта халқаро конвенцияга қўшилган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифа ҳаётга изчил татбиқ этилган. Конституциямиз ва бошқа қатор қонунлар асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари таъминланмоқда. Жумладан, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Болаларни уларнинг ҳаётининг зарар етказувчи ахборотларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари юртимизда навиқрон авлоднинг хар томонлама ҳимоя қилиш, турли таҳдид ва маънавий хуружлардан асраш, мажбурий меҳнатга жалб этилмасликка ҳимоят қилади.

Маълумки, боланинг ҳуқуқи унинг туғилишдан аввал пайдо бўлади. Шу боис мамлакатимизда гўдақнинг, аввало, соғлом туғилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чақалоқлар дунёга қораланиши

дан бошлаб тиббий назоратга олинаётган. Уларни турли касалликлардан, соғлом камол топишига ҳавф соладиган таъсирлардан асраш чора-тадбирлари қўрилади. Бинобарин, мамлакатимизда гўдақлар ўлими тобора камаймоқда. Бу нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қайд этилаётган.

Болаларни жисмонан ва маънавий раҳматга олиб бериш бўйича қатор ишлар олиб берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги қарори билан Болаларни давлат мактабига таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Илгари болаларни боғчага бериш бўйича мурожаатлар фақат фуқаронинг ўзи келган ҳолда ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари қабул қилинган бўлса, мазкур ҳужжатга мувофиқ, эндиликда фуқаро бу масаладаги мурожаатларини давлат хизматлари марказига ҳафтанинг хоҳлаган иш кўни ўзи борган ҳолда топшириши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хар кўни, шунингдек, онлайн режимида топшириши имконига эга бўлди.

Замонавий талабларга мос янги боғчаларни қуришга, мазжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида 107 та мактабга таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирлан-

ди. Соҳада хусусий секторни ривожлантиришга, малакали кадрлар тайёрлашга, боғчаларда ўғил-қизларни соғлом овқатлантириш ҳамда уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилашга эътибор берилмоқда. Буларнинг барчаси болаларнинг мактабга таълим муассасаларига қамровини ошириб, уларнинг соғлом, ақлан етук бўлиб улғайишига замин яратаетир.

Тизимдаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, изчил ҳал этиляпти. Хусусан, болаларни боғчага қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатбоз-

учун илгари 5 турдаги ҳужжатни тақдим қилган бўлса, янги тартибга кўра, ундан фақат анкета тўлдириб талаб этилади ҳамда бу мурожаат аввалгидек 10 кунда эмас, бир иш кўни мобайнида қўриб чиқилади.

Юртимизда боланинг умумий ўрта таълим олиши мажбурий ва бепул. Хар йили мактаб оstonа-сига илк бор қадам қўйган минглаб фарзандларимизга Президентимиз совғаси — ўқув анжомлари бепул тақдим этиляпти. Нафақат йирик шаҳарларда, балки мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўғил-қизларимиз сифатли таълим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим, ота-она қарамонидан маҳрум ва ногиронлиги бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларга таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга ошириляпти.

Оммавий ахборот воситалари орқали жаҳоннинг турли минтақаларида кузатилаётган ноҳус манзаралар — болалар савдоси, уларнинг ҳаётига таъвож қилиш, зўравонлик, гаровга олиш, ҳўрлаш, ҳатто ички органларини пуллаш каби гайринсоний ҳодисалар рўй бераётганини қўриб, кўнгилмиз хира тортади. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, дунёнинг нотинч минтақаларида сўнгги ўн йилда икки миллиондан зиёд болалар бепул қуроли тўқнашувлар натижасида ҳаётдан қўз юмган. Минглаб болалар ота-онасиз, бошланасиз ва қаровчисиз қолган. Айричи давлатларда болалар ўртасида жиноятчилик, қотиллик, гиёҳвандлик, талончилик, ўғирлик каби иллатлар қўлайиб бормоқда.

Ана шундай таъшишли, ачинарли воқеалар ҳақида матбуотдан ўқганимизда, радио ва телевидение орқали эшитиб-қўрганимизда она-юртимиз — Ўзбекистонда хар бир бола эъзоз ва эътибордалигига шўқроналар айтаемиз.

Дўшқод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаёт мазмуни, оила қувончи

Кўни кеча Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим марказида «Дунё болалар нигоҳида» мавзунда тадбир ўтказилди. Унда 50 нафардан ортиқ 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган ўғил-қизлар қатнашди.

Тантананинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фарзандларимиз таълим-тарбиясига қаратилган юксак эътибор ҳамда унинг самаралари хусусида сўз юритилди. Болажонлар учун ширинликлар улашилди, турли курғазмалар ва концертлар ташкил этилди.

Тантананинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фарзандларимиз таълим-тарбиясига қаратилган юксак эътибор ҳамда унинг самаралари хусусида сўз юритилди. Болажонлар учун ширинликлар улашилди, турли курғазмалар ва концертлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвонсаройида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Олий ҳарбий-техник институтининг ҳарбий хизматчилари ва ҳодимлари фарзандлари, шунингдек, пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбир сўнгига ижтимоий муассасалар тарбияланувчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Тадбир сўнгига ижтимоий муассасалар тарбияланувчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Гавҳар САОДАТОВА.

Нурли наволар сеҳри

Нуротада мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишлаб «Нурли наволар» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди.

КАДРИЯТ

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 2 март кўни Навоий вилоятига ташрифи чоғида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасига эътибор қаратар экан, қадим анъана ва кадриятларимизни ардоқлаш, айниқса, фольклор санъатимизнинг муносиб тарғиботини таъминлаш вазифаларини ҳам белгилаб берган эди. Шу асосда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига кўра, Республика Маданият вазирлиги ташаббуси билан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Нурли наволар» халқаро фестивали ташкил этилди. Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад қадимий фольклор санъати билан ўтмиш маданий ёдгорликларимиз тарихининг ўзаро боғлиқлигини, уларни буюк маънавиятимизнинг ҳақиқий сарчамалари сифатида кенг тарғиб қилиш, ёшларни аждодларимиздан мерос улкан маънавий хазинадан баҳраманд этишдан иборат, — дейди Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Хайдаров. — Анжуман ўз атрофида фольклор санъатининг илмий тадқиқотчилари, 50 га яқин хорж мамлакатларидан келган сайёҳлар ҳамда республикамизда фаолият

юритаётган чет эл ваколатхоналари вакилларини жамлади. Меҳмонлар қадим Нуротада ташкил этилган миллий хўнарандчилик, тасвирий ва амалий санъат намуналарини кўргазмалари, «Китоб сайли», халқ ўйинлари томошаларида қатнашди. Анжуманинг кечки дастурдида Қорақалпоғистон Республикасининг «Мейрас», Андижон вилоятининг «Сайқал», Бухоро вилоятининг «Қасри Орифон», Жиззах вилоятининг «Ойпар», Наманган вилоятининг «Уйчи тонги», Навоий вилоятининг «Сардоба», Самарқанд вилоятининг «Бешқарсак», Сирдарё вилоятининг «Сайхун Йигитлари», Сурхондарё вилоятининг «Бойсун», Тошкент вилоятининг «Қурама», Тошкент шаҳрининг «Дурдона», Фарғона вилоятининг «Гулёр», Хоразм вилоятининг «Наврў», Қашқадарё вилоятининг «Ризвонгул» каби фольклор-этнографик жамолари ўз дастурларини намойиш этдилар. Навоий шаҳридаги амфитеатрда фестивалнинг фаол қатнашчиларини тақдирлашга бағишланган маросим ташкил қилинди. Тадбир санъат усталари ва фольклор-этнографик жамолар иштирокидаги концерт дастури билан ниҳоясига етди. Темуэр ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«КРАНЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКА» ЗАВОДИ KRANTAS. List of products: 1. Юк кўтариш қуввати 16 тоннадан 50 тоннагача бўлган автокранлар; 2. Юк кўтариш қуввати 3 тоннадан 10 тоннагача бўлган кран-манпуляторлар; 3. Баландликка кўтариш қуввати 11 метрдан 31 метргача бўлган автокўтаргичлар; 4. Фуорон қузовли юк автомобиллари 3 тоннадан 9 тоннагача; 5. Ҳажми 4 дан 16 м³ гача бўлган ёнилги ташувчи автоцистерналар ва автоёнилги куйгичлар; 6. Ҳажми 4 дан 12 м³ гача бўлган сув ташувчи автоцистерналар; 7. Вагон-уйчалар; 8. 4x4 — 22 ўрнли, 6x6 — 26 ўрнли вахтали автобуслар; 9. Ҳажми 4 дан 8 м³ гача бўлган сугорувчи-ювуучи автоцистерналар (машиналар); 10. Ҳажми 6 дан 10 м³ гача бўлган кислота ташувчи автоцистерналар; 11. Цистернаси ҳажми 6 дан 8 м³ гача бўлган автогудронаторлар; 12. Яримтиракмалар (бортли, тентли-пардали, ёнилги ташувчи). ЯНГИ минорали кранлар, кўтариш қуввати — 8 — 12 тонна. Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар к., 1. Тел./факс: (+99871) 269-15-33, 262-97-78, 262-23-61. Моб.: (+998990) 315-99-17, 187-52-05, 188-15-33. E-mail: cst2008@mail.ru, krantas@inbox.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР «FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ. Боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камҳаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади. «TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисиди ишлайди. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: (+99890) 986-80-68, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-35-71. www.motoblok.uz. «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 232-10-63. E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибиат (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 623 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар к., 1. Тел./факс: (+99871) 269-15-33, 262-97-78, 262-23-61. Моб.: (+998990) 315-99-17, 187-52-05, 188-15-33. E-mail: cst2008@mail.ru, krantas@inbox.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Тадбиротта келган қўғизмалар тақриб қилинмайдиган ва муаллафга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобдор. Газета таҳрират компютер марказида туралди ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатан чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова. Навбатчи — О. Файзиёв. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа ақциядорлик компанияси Босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.13 Топширилди — 00.10 1 3 4 5 6